

Маликобод кўрғони

«29» январь 2022 йил

Навоий кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устав асосида фаолият юритувчи, директор **Б. Рахмонов** иштирокида бир томондан "БУЮРТМАЧИ" аталиб ва иккинчи томондан «ISHONCH-ТЕХНИКА-NAVOIY» маъсулияти чекланган жамияти номидан уставга асосан фаолият юритувчи раҳбари **А. Рузиев** иштирокида «БАЖАРУВЧИ» аталиб. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисида» ги 2018 йил 9-апрелдаги ЎРҚ-472 сонли қонуни «Давлат харидлари тўғрисида» ги қарори, ЎзРТХБнинг exarid.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган № 18856-сонли ЛОТга асосан ушбу шартномани тузадилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «БАЖАРУВЧИ» ўз хисобидаги техника воситалари билан «БУЮРТМАЧИ»нинг объектларида хизмат кўрсатиш мажбуриятини, «БУЮРТМАЧИ» эса бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлари қабул қилиб олиш ва тўловни ушбу шартномага мувофиқ амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»га хизмат курсатишда қуйидагиларга мажбур:

- «БАЖАРУВЧИ» мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун ичида ишларни бажаришга киришади;
- «БУЮРТМАЧИ»га юк ортиш техника воситасини соз холда тақдим этиш;
- «БУЮРТМАЧИ» тарафидан белгиланган ишларни муддатида бажариш;
- амалдаги юк ортиш, техника хавфсизлиги, йул харакати қоидаларига риоя қилиш;
- ортиладиган юкни «БУЮРТМАЧИ»нинг автотранспортига уз вақтида юклаш;
- юк ортиш хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш учун керакли шароитларни яратиш;
- техника хавфсизлиги ва йул транспорти харакати қоидаларига риоя этиш ва атроф мухитни кўриклашга оид талабларни бажариш;
- ишларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида юклаш техника воситаларини етарли миқдорда ёқилғи мойлаш махсулотлари билан таъминлаш;
- «БУЮРТМАЧИ»га етказилган зарарни қоплаш;
- амалдаги тартибларга кўра юк ортиш хисоботини ва унинг хужжатларини расмийлаштиришни таъминлаш;
- юк ортиш техникасини бутлигини таъминлаш;
- юк ортиш техникасини ўз вақтида ишлаш жойида таъмирлаш ишларини ўз хисобидан бажариш;
- бажарилган ишлар буйича далолатномаларни (ТТН) ўз вақтида хизмат кўрсатилган ойдан кейинги ойининг 10 санасигача «БУЮРТМАЧИ»га тақдим этиш.

2.2. «БУЮРТМАЧИ» мажбурияти:

- ушбу шартнома шартларини бажариш;
- юкни ортиш буйича барча қоидалар талабларига риоя қилиш;
- ортиладиган юкнинг лозим хужжатларини ўз вақтида «БАЖАРУВЧИ»га тақдим этиш;
- автоуловларнинг ташиладиган юклар атрофида хавфсиз эркин харакатланишини таъминлаш;
- автоуловлардан мақсадли ва ўзаро келишилган хавфсиз йуналишларда фойдаланиш;
- хайдовчилар йул варақаларини ўз вақтида расмийлаштириш, лозим хужжатларга автоуловларнинг «келган ва кетган» вақти белгиларини қўйиш;
- «БАЖАРУВЧИ»га юк ортиш техникасини ишлаш жойини белгилаш.

3. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

- 3.1. Нархлар ҳар бир объект бўйича 1 маш/соат, 1тн/км нархи бўйича тарафлар келишуви асосида алоҳида белгиланади.
- 3.2. Мазкур шартнома бўйича «БАЖАРУВЧИ» тарафидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 150 000 000 (бир юз эллик миллион) сумни ташкил этади.
- 3.3. «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»га бажариладиган уртача ойлик иш ҳажми қийматининг 15 фоизи миқдорида хизмат кўрсатилган ойнинг 15 санасигача аванс туловларни пул кўчириш йўли билан амалга оширади.
- 3.4. «БУЮРТМАЧИ» кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг бажарилган ойлик иш ҳажми қийматининг қолган қисмини хизмат кўрсатилган ойдан кейинги ойнинг 30 санасига амалга оширади.
- 3.5. Ёқилғи мойлаш махсулотлари ўз вақтида «БАЖАРУВЧИ» томонидан етказиб берилмаганлиги сабабли юк ортиш техникаси тўхтаб қолса, «БУЮРТМАЧИ» ўз имкониятидан келиб чиқиб, «БАЖАРУВЧИ»нинг юк ортиш техникасини ёқилғи мойлаш махсулотлари билан таъминлайди.
- 3.6. Юк ортиш техникаларига «БУЮРТМАЧИ» томонидан ажратилган ёқилғи мойлаш махсулотлари бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритилиб, ўзаро келишув орқали ёки бажарилган ишлар қийматидан сақланиб қолинади.
- «БУЮРТМАЧИ» томонидан етказиб берилган ёқилғи мойлаш махсулотлари «БАЖАРУВЧИ» томонидан «БУЮРТМАЧИ»га қарашли автотранспорт воситаларини юклаш учун ишлатилиши шарт, акс ҳолда ёқилғи мойлаш махсулотлари қиймати «БАЖАРУВЧИ»дан икки баровар юқори нархда чегириб қолинади.
- 3.7. Ҳар ойнинг 15-чисидан кечикмасдан тарафлар ўзаро солиштирма далолатномасини тузиб, ўтган ойда бажарилган ишлар учун ҳисоб-китобларни имзолашади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 4.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор тараф:
иккинчи тарафга етказилган зарарларни қоплайди;
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
- 4.2. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ» га ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган шартларнинг 0,1 % миқдорида пеня тулайди, аммо пенянинг миқдори бажарилмаган мажбуриятлар нархининг 10 % идан ошмаслиги керак.
- 4.3. «БАЖАРУВЧИ» ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлиги учун «БУЮРТМАЧИ»га муддати ўтказиб юборилган хизматларнинг ҳар бир куни учун 0,1 % миқдорида пеня тулайди лекин пенянинг миқдори бажарилмаган ишлар нархининг 10 % идан ошмаслиги керак.
- 4.4. Агар «БАЖАРУВЧИ»нинг айби билан «БУЮРТМАЧИ»нинг юк ташувчи автотранспорт воситаларини бўш туриб қолиш ҳолатлари рўй берса, ҳар бир йул варақаси учун Ўзб.Рес. белгиланган энг кам иш ҳақининг ½ қисми миқдорида жарима ундирилади.
- 4.5. Пеня тўланиши тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.
- 4.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур шартномада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган тараф иккинчи тарафга бошқа тараф тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмайдиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

5. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, тарафлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

5.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки шартномани бекор қилиш чоралари кўрилишини муҳокама қиладилар.

5.3. Агар тарафлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда тарафларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА МУДДАТИ

6.1. «БАЖАРУВЧИ» мазкур шартномадаги мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаса, «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ»ни 5 кун олдин хабардор қилган ҳолда, шартномани бир тарафлама бекор қилишга ҳақли.

6.2. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб юридик ҳуқуқга эга ҳисобланади ва унга ўзгаришлар ва қушимчалар киритиш тарафларнинг келишуви орқали амалга оширилади.

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар бири бир хил юридик ҳуқуқга эга ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни тарафлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилоят Кармана туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

« Буюртмачи »

Навоий КФУК
Навоий вил. Кизилтепа т. Маликобод к.
Х/Р: 20210000800428115001
МФО: 00199 ИНН: 203229093
ОАИК Ипак йули банки Навоий филиали
ОКЭД: 42130
Тел.: 555-34-18, факс.: 0(436) 555-34-23
ККС тўловчиси коди: 312050011074

« Бажарувчи »

“ISHONCH-TEKNIKA-NAVOIY” МЧЖ
Навоий ш, П.Очилова 26-58
Х/Р: 2020 8000 4048 1885 7001
МФО: 00199 ИНН: 301420988
ОАИК Ипак йули банки Навоий филиали
ОКЭД: 23610
Тел:
ККС тўловчиси коди:

Директор:

Б.Рахмонов

Директор:

А.Рузиев

Ижрочи:

ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу шартнома амалдаги УзР Фуқаролик кодексининг 324-456 м.м., «Хужалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тугрисидаги» Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келади. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги меъери ва низоларини ҳал этиш тартиби юқоридаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Навоий КФУК юрисконсулти